Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

2005 YIL 23 AVGUST, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 101. (6.938). Sotuvda erkin narxda

# Халқ ишончини оқлаш – олий масъулият

***Аввал хабар қилинганидек, шу йил 19 август куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.***

***Мажлисда 26 август куни очиладиган Сенатнинг навбатдаги сессиясида кўриладиган масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашиниб, бу сессияни юқори даражада ўтказиш, унинг кун таркибига бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган долзарб масалаларни киритиш зарурлиги таъкидланди.***

***Шуни қайд этиш лозимки, мазкур йиғилишда Олий Мажлиснинг қуйи - Қонунчилик палатаси раҳбарияти, қўмита ва партия фракцияларининг раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этгани учрашувга алоҳида маъно-мазмун бағишлади.***

***Йиғилиш муҳокамасига қўйилган асосий масала, яъни Қашқадарё вилоятидан сайланган сенаторларнинг «Хонобод» шаҳарчасидаги аэродромда жойлашган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиш ҳақидаги мурожаати билан бирга, Андижон шаҳрида шу йилнинг 12-13 май кунлари содир этилган фожиали воқеаларга баҳо бериш масаласи ҳам кўрилди.***

***Қуйида ушбу мажлиснинг қисқача баёни эълон қилинмоқда.***

Давлатимиз раҳбари Кенгаш мажлисидаги ўз нутқида мамлакат парламентининг муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича фаолияти ҳақида фикр юритиб, бугунги куннинг кўпгина долзарб масалалари, шу жумладан, эл-юртимизнинг тинчлигига хавф солиб, барқарорликни таҳдид остида қолдирадиган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хатарларга ўз вақтида баҳо бериш ва уларни бартараф этишни ҳаётнинг ўзи ўртага қўймоқда, деб таъкидлади.

Мажлисда Андижон воқеаларини холисона таҳлил қилиш, бу фожианинг асосий сабабларини чуқур ўрганиш ва ундан тегишли хулосалар чиқариш ҳозирги вақтда бутун жамиятимизнинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолаётганига эътибор қаратилди.

Бу террорчилик ҳаракатининг иштирокчилари ўз йўли билан, аммо уларнинг ташкилотчилари ҳақида алоҳида фикр юритиш, ҳақиқий башарасини очиб ташлаш, бу воқеаларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ғаразли ва узоқни ўйлаб амалга оширилган қўпорувчиликдан кўзланган асл мақсадни фош этиш, юртдошларимизни бу хуружларни бартараф этиш учун сафарбар қилиш - халқ вакиллари, халқнинг таянчи ва ишончи бўлмиш депутатлар ва сенаторларнинг юксак масъулияти ва асосий вазифасига айланиши зарурлиги тўғрисида давлатимиз раҳбари куйиниб гапирди.

Бугун Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларини кўзлаб олиб бораётган мустақил сиёсатни кўролмасдан, уни ўзгартиришга қаратилган бу ёвуз ҳаракатларни, юртимиз шаъни ва обрўсига доғ тушириш, халқаро майдонда унинг юзини ерга қаратиш учун катта маблағ, катта куч ташлаб, туҳмат ва уйдирмаларни тарқатиб, мамлакатимизга нисбатан эълон қилинмаган информацион урушни ким ва нима мақсадда бошлагани ҳақида халқимиз тўла хабардор бўлиши, уни чуқур англаши лозимлигига алоҳида урғу берилди. Бу - ўта жиддий ва масъулиятли ишга муносиб ҳисса қўшиш барча раҳбарлар, ҳар бир депутат ва сенатор учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши даркорлиги қайд этилди.

Ана шу масалалар депутат ва сенаторлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ҳамда бу борада амалий таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Сўзга чиққанлар кун тартибидаги масалаларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил этиб, бу масалаларни ўз қалби ва онгидан ўтказиб билдирган фикр-мулоҳазаларнинг асосий маъно-мазмунини қуйидаги хулосаларда мужассам этиш мумкин.

**Биринчидан.** Андижонда содир бўлган бу машъум фожиа тарихимизда, халқимиз ҳаётида кўп йиллар давомида битмайдиган оғир яра, жароҳат бўлди. Энг аввало, бу фожиа туфайли қанча одам ҳалок бўлди.

Тинч ва осойишта ҳаётимизни сақлаш, эл-юртимизни ҳимоя қилиш учун мардона жон берган ҳарбийларимиз бўладими, бегуноҳ қурбон бўлган тинч аҳоли вакиллари бўладими - ҳаммасининг ота-онаси, жигарбандлари, ёру биродарлари бор. Уларнинг ота-онаси, яқинлари олдида бош эгиш, дардига ҳамдард, қайғусига шерик бўлиш - барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Қолаверса, мияси заҳарланган, алданган босқинчиларнинг ҳам ота-оналари борлигини унутмаслик керак.

**Иккинчидан.** Афсус билан айтиш лозимки, Ўзбекистон шаънига доғ бўлиб тушган бу фожиа ғанимларимизнинг тегирмонига сув қуйишга, уларнинг бизга қарши маломат тошларини ёғдирган информацион хуружларига сабаб бўлди. Ана шундай ғаразли кучларнинг уйдирмалари Ўзбекистонни бадном қилиш учун уринишларга, мамлакатимизга нисбатан мутлақо асоссиз айблар қўйилишига олиб келди. Буни барчамиз чуқур тушуниб, зарур хулосалар чиқаришимиз керак.

**Учинчидан.** Шу кунларда Мустақиллик байрами муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш масаласи бўйича иш олиб борилмоқда. Жумладан, Андижон воқеаларида ўзини кўрсатган, мардлик ва матонат фазилатларини намоён этган йигитларимизни ҳам мукофотлаш юзасидан ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, изтироб билан айтиш лозимки, ана шу йигитлар қаторида хавфсизлик хизмати, ички ишлар, махсус ҳарбий қисмларда хизмат қилган 7 нафар марҳум ўғлонларимиз бор. Ҳали ҳаётга тўймаган, юрагида орзу-ҳаваслари кўп бўлган бу йигитларнинг таржимаи ҳоли, хизмат фаолияти билан танишар экан, одам ҳайратда қолади - юрт бошига иш тушганда, хавф тушганда улар ҳеч иккиланмасдан, ўзини четга олишни хаёлига ҳам келтирмасдан, ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди.

Униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз орасида ўзининг жонини эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги учун фидо этишга тайёр бўлган шундай довюрак ўғлонларимизнинг борлиги - Ватанимизга ғаразли ният билан кўз олайтирадиган ҳар қандай босқинчилик ва тажовузкорлик уринишларининг олдини олиш, муқаддас заминимизни барча хатарлардан ҳимоя қилишнинг ишончли ва мустаҳкам кафолатидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу муносабат билан ҳар қайси ўзини эр йигит, мард деган инсон - у ким бўлмасин, оддий деҳқон ёки ишчими, депутат ёки сенаторми - ўз-ўзига шундай савол билан мурожаат қилиши табиий: агар мен ана шу йигитларнинг ўрнида бўлсам, ўзимни қандай тутардим? Ўзимни аямасдан, ширин жонимни, ҳаётимни юрт учун беришга қурбим, мардлигим етармиди?

Мана шундай қалби, юраги пок, қатъиятли, мард йигитларга тарбия берган, уларни вояга етказган, оқ ювиб, оқ тараб, Ватан ҳимоясига, ҳарбий хизматга йўллаган ота-оналар ва маҳалла-кўй жамоатчилигига, уларнинг қариндошлари ва яқинларига ҳар қанча тасанно ва миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида шундай ўй-хаёл, шундай фикр билан яшайдиган, ўзини ҳар қандай синовга тайёрлаб юрган жасур йигитларимизнинг кўплиги одамга куч-қувват ва ишонч бағишлайди.

**Тўртинчидан.** Андижонда содир бўлган воқеаларга муносабат билдириб, матбуот ва телевидениедаги, фуқаролар орасидаги кўпгина чиқишларга баҳо бериб, мажлис иштирокчилари мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаганини афсус билан таъкидлашди. Аваламбор, депутат ва сенаторлар, жамоатчилик етакчилари ва кайвонилар кўпроқ юзаки, таъсири йўқ, эски қолиплар доирасида ўралашиб қолгани, аксарият ҳолларда жиддий таҳлиллар ўрнига, масалани чуқур очиб бермайдиган саёз усул ва шакллар устунлик қилгани айтиб ўтилди.

Албатта, буларнинг ҳаммасини кўриб-билиб турган сайловчиларимиз, юртдошларимиз барчамизга қандай баҳо бермоқда? Бу савол ҳар қайси раҳбар, депутат ва сенаторни шу ҳақда жиддий ўйлашга, фикр юритишга даъват этади.

Мажлисда шу фикрлар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, уларнинг атрофида кўпгина танқидий ва ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган мулоҳазалар билдирилди, оғир ва қаттиқ саволлар ўртага қўйилди.

Шу борада, минг афсуски, ҳалибери орамизда кўп учрайдиган иллатлар - бепарволик, лоқайдлик, оч қорним - тинч қулоғим, деган фалсафа билан яшашни ўзига маъқул кўриш, мураккаб синовлардан ўзини олиб қочиш каби эски асоратлар, кўпгина раҳбар ва мансабдорларга, вазифада ўтирганларга хос бўлган сен - менга тегма, мен - сенга, деган номақбул қарашлар бошимизга иш тушган айнан мана шундай дамларда ўзини яққол намоён қилади.

Ўзининг шахсий манфаатларини, бугунги ва эртанги ҳаловатини халқ манфаатидан устун қўйиш, ҳар эҳтимолга қарши, ким билади, эртага замон ўзгарса, мен қай аҳволда қоламан, қандай мансаб ва имтиёзлардан жудо бўламан, деб ўйлаш ва шундай фикр билан яшаш - айрим вазифа курсисида ўтирган шахслар учун одатга айланиб қолгани ҳам, афсуски, ҳеч кимга сир эмас.

Ҳаммамиз бир нарсани яхши тушуниб, ўзимизга хулоса қилиб олишимиз керак. Ўзини раҳбар, етакчи деб ҳисоблайдиган, депутат ёки сенатор ваколатига эга бўлган ҳар қандай инсон халқимизга қарши, эл-юртимизга қарши қаратилган зарбани, керак бўлса, найзани - аввало унинг ўзига қаратилган ҳаракат, деб қабул қилиши даркор. Ва бу хавфни кўкрагини қалқон қилиб, худдики ўзининг юрагига найза урилаётгандек қабул қилиши керак. Агар бундай мардлик кўрсатиш учун қурби, куч-қудрати, ақл-заковати етмаса - уни раҳбар ёки депутат бўлишга ҳеч ким мажбурлагани йўқ.

Мажлисда «АҚШ қуролли кучларининг контингентини «Хонобод» аэродромидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир гуруҳ сенаторларининг мурожаати тўғрисида»ги масала атрофлича муҳокама қилинди.

Кенгаш йиғилишида Қашқадарё вилоятидан сайланган сенаторлар сўзга чиқиб, шу масала юзасидан фуқаролардан кўплаб шикоят ва аризалар тушаётгани ҳақида ахборот беришди. Сўнгра, «Хонобод» аэродромидан фойдаланаётган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини у ердан олиб чиқиш зарурати бўйича далил-исботлар баён қилинди.

Мазкур мурожаатда «Хонобод» аэродроми атрофида истиқомат қилаётган кишиларни, бутун Қашқадарё вилояти аҳолисини ташвишга солаётган қатор сабабларга эътибор қаратилди. Аввало, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли оғир самолётларнинг учиб-қўниши атроф-муҳитга, вилоятнинг табиатига, аҳоли саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, аэродром атрофида истиқомат қилаётган аҳолининг қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ ишларида, кундалик ҳаёт тарзида кўплаб муаммолар туғдирмоқда.

Сенат Кенгаши қашқадарёлик сенаторларнинг мурожаатини атрофлича муҳокама қилди ва уни қўллаб-қувватлаб, бу масалани Сенатнинг навбатдаги сессияси йиғилиши муҳокамасига киритишга қарор қилди.

Бу масала юзасидан бўлиб ўтган фикр алмашув ва муҳокамалар чоғида қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор берилди.

(Давоми 2-бетда)

# Август – пахта ҳосили тақдирини ҳал қилувчи ой



## Ғўза билан тиллашиб...

***Сирдарёда пахтачилик илмини "сув қилиб ичиб юборган", ғўза майдонига кириб "тиллашадиган" тажрибали деҳқонлар кўп. Ана шуларнинг бири Ховос туманидаги "Камолиддин" фермер хўжалиги раҳбари "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби Абдураззоқ Ҳотамовдир.***

Биз Абдураззоқ ака билан бевосита ўзи қурган мўъжазгина дала шийпонида учрашдик.

–Деҳқон учун тўрт-беш кун уйқунинг баҳридан кечадиган пайт келди, - дейди Абдураззоқ ака. – Даладамиз, ғўза парваришига жиддий эътибор қаратганмиз ҳозир. Қишда минг тонна гўнг чиқариб, далага солганмиз, яна бир қисмини "шарбат" усулида суғоришга ишлатаяпмиз. Маҳаллий гўнг солиб оқизилган "шарбат" минерал ўғитдан ҳам кучли бўлади.

(Давоми 2-бетда)

## Муҳим агротехник тадбир

***Мўл пахта ҳосили учун курашда ҳар бир босқич ўзига хос, ўз хусусияти жиҳатидан муҳим бўлиб хирмонга барака киритади. Пахтакор йил-ўн икки ой билими, тажрибасини, ғайрату шижоатини аямай, баъзан тунларни бедор ўтказиб, меҳнат қилади.***

Пахта терими арафасидаги сўнгги агротехник тадбир ғўза баргини сунъий тўктириш хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Яхлит майдонларда пахта етиштиришга ўтилиши, теримнинг машиналаштирилуви, сифатли, вақтида ўтказиладиган дефолиацияга эҳтиёжни кучайтириб юборди.

Ғўза баргини юқори сифат билан сунъий тўктиришнинг афзалликлари катта. Аввало, бу пахтани ғоят унумли, замонавий терим машиналари билан йиғиб-териб олиш имкониятини туғдиради. Терим мавсуми қисқаради, ҳосил ёғин-сочинли кунларга қолмай йиғиштириб олинади. Дефолиациядан сўнг ҳам кўсакнинг етилиш жараёни давом этиб, тола сифати яхшиланади, ҳосил салмоғи ошади.

Бу йил Ўзбекистон пахтазорларининг 1 миллион 63 минг гектарида ғўза баргини сунъий тўктириш режалаштирилаётир. Катта майдонларда пахта етиштирилаётган Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида бу муҳим агротехник тадбирни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалик авиациясини жалб қилиш кўзда тутилаяпти. Бошқа вилоятларда осма ускуналар билан амалга оширилади. Дефолиацияда амалий жараёнларнинг барча жиҳатлари ниҳоятда муҳим, зеро бу технологик тадбир инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга, ҳайвонот дунёсига ортиқча зиён-заҳмат етказмаслик билан боғлиқ. Шу боис дефолиацияни ташкил этиш ва ўтказиш иштирокчиларини ўқитиш, уларда муайян муҳофаза кўникмаларини ҳосил қилиш ниҳоятда муҳим. Бинобарин, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда бу агротехник тадбир мукаммал тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, дефолиантларни қўллаш меъёрлари ва сепиш муддатларига қатъий риоя қилиниши устидан доимий назорат ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун дефолиация ўтадиган майдонлар олдиндан аниқлаб чиқилиши, ғўзанинг ривожи, кўсакларнинг етилиши ҳисобга олиниши ва шу асосда бу юмушни бажариш жадваллари ишлаб чиқилиши тақозо этилади.

Осма техника воситалари ва аппаратлар, самолётларнинг созлиги, дефолиантлар сақланадиган муваққат омборларнинг талаб даражасида тайёрланганлиги, самолётлар учун махсус учиш-қўниш жойларини тайёрлаш, дефолиант аралашмаси сақланадиган сиғимларни ҳозирлаб қўйиш, учувчилар, механизаторлар, юкчилар учун зарур санитария-гигиена ва маиший шароитларни яратиш ниҳоятда муҳим масалалардир.

Дефолиацияни вақтида сифатли ўтказишда тегишли вазирлик ва идоралар, қишлоқ хўжалик авиацияси отрядлари мутахассислари, ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Вазифа дефолиация занжирининг барча бўғинлари аниқ-пухта ишлашини таъминлашдан иборат. Шундагина етиштирилган ҳосилни барвақт йиғиштириб олишга муваффақ бўламиз.

**Агросаноат бўлими**

# Демократ. Ким у?

НИГОҲ

***Назаримда халқаро ҳаёт мураккаблашиб бораётган ҳозирги пайтда демократия деган тушунчани англаш ва идрок этишда мантиқсизлик кучайиб бормоқда.***

Давлатларнинг демократик ёки нодемократик эканлигига ёндашувда баҳолаётган томон ўз манфаатидан келиб чиқиб, ўзи хоҳлаган мезонни қўллаяпти. Масалан, Ғарбдаги аксарият сиёсатчилар наздида Эрон Ислом Республикаси нодемократик бўлгани ҳолда хотин-қизларнинг рўмол ўраши тақиқлаб қўйилган Европадаги бир мамлакат демократик давлат ҳисобланади. Ёки, ташқи сиёсатда АҚШнинг измидан чиқмаётган давлатлар ғарб демократиясининг устунлари бўлгани ҳолда, айтайлик, халқ сайлаган президентлар раҳбарлик қилаётган айрим мамлакатлар нодемократик давлатлар сирасига киради.

Ана энди сайловни демократиянинг асосий хусусиятларидан бири деб ҳисоблайдиган бўлсак, "нодемократик" Эрон билан демократик АҚШда президент сайловлари қандай ўтганлигини қиёслаб кўрайлик. АҚШда ҳеч бир сайловчи президент учун тўғридан-тўғри овоз бермайди. Биринчи босқич ички партиявий кураш муҳитида ўтадиган бўлса, иккинчи босқичда овозлар номзодларнинг штатлардаги вакиллари томонидан сотиб олинади. Ҳеч бир оддий фуқаро - сайловчи шахсан мен Буш ёки Керри учун овоз бердим, деб айта олмайди. Натижа штатлардаги вакиллар олган овозларга боғлиқ. Албатта, сайловдаги бундай мураккаб жараён оддий халқнинг манфаатига эмас, балки капитал билан катта сиёсатнинг манфаатига хизмат қилади. Демократия "даҳолари"нинг асл мақсадлари ҳам шу.

(Давоми 2-бетда)

31 август – Қатоғон қурбонларини ёд этиш куни

***20 йилларнинг охирлари ва 30 йилларнинг бошларида Ўзбекистонда шўроларнинг зўравонлик билан ғайриқонуний равишда ўтказган коллективлаштириш сиёсати шафқатсиз зулми остида бутун хусусий мулкдорлар, ўрта ҳол деҳқонлар мажбурий қулоқ қилиниб, оилавий равишда қамоқ ва сургун қилина бошланди.***

## Деҳқонбой ота қисмати

Шулардан бири Фағона вилояти Қўқон туманига қарашли Катта Қияли қишлоғилик Деҳқонбой ота Исмоилов эди.

1930 йил 28 ноябрда Деҳқонбой ота Исмоилов устидан гўё совет ҳукуматининг колхоз тузуми ҳақидаги сиёсатига қарши тарғибот олиб бораётган тескаричи, ёт унсур, давлат солиғини ҳам ўз вақтида тўламаётган хусусий мулкчилик, зараркунанда шахс, деб чақув ёзадилар.

(Давоми 2-бетда)

# Олий қадрият эътирофи

***Бугунги кунда демократлаштириш жараёнлари ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Шу маънода истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам катта ўзгаришлар юз берди ва бермоқда. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши мазкур жараённинг мантиқий давомидир.***

"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонини ўқиб...

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий тизимни либераллаштириш – бу қонун талабининг "бўшашиши" ёки заифлашуви эмас, балки қонунларимиздаги демократик ва инсонпарварлик асосларининг мустаҳкамланиши демакдир. Айнан шу мазмундаги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши мамлакатда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири ўлим жазосини жазолаш тизимидан чиқариб ташлаш эканлигига эътибор қаратган эди.

Маълумки, Ўзбекистон бугунги кунда БМТ, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа бир қатор нуфузли ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади. Шунингдек, республикамиз кўплаб халқаро конвенцияларга қўшилган. Бунинг самараси ўлароқ инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам халқаро ҳамкорлик устиворлик касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ХИЗМАТ

***Айни дамда юртимизнинг жанубий вилоятларидан бири ҳисобланмиш Қашқадарёга йўлингиз тушса, ажиб бир ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз.***

Айниқса, вилоят маркази Қарши шаҳридаги янгиланишлар ўзгача. Айтиш жоизки, шаҳарнинг 2700 йиллик қутлуғ тўйини нишонлаш доирасидаги тадбирлар йил бошидан бошланган эди. Шу вақтдан бери бу ишда бош-қош бўлган қурилиш ташкилотлари, ободонлаштириш муассасалари ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Қарши шаҳри кун сайин чирой очмоқда. Бунёд этилаётган маданий-маиший кўркам бинолар худди узукка кўз қўйгандек шаҳар қиёфасига ярашиб тушмоқда.

## Фермерга кўмакдошмиз

(Давоми 3-бетда)

# Ўзбекона фазилатлар инъикоси

ҲУЖЖАТЛИ КИНО

***Ўзбек ҳужжатли кино санъати кўп йиллик бой тажрибага эга. Бу соҳада етишиб чиққан таниқли ижодкорлар яратган бир қатор дурдона фильмлар ҳақли равишда маънавий меросимиз намуналари сирасидан ўрин олган.***

Айниқса, мустақиллик йилларида у ўзига хос анъаналар, янгича тажрибалар билан бойиди. ҳужжатли кинони замон талаблари даражасида ривожлантириш масаласига давлат миқёсида эътибор қаратилди. Узоққа бормайлик мамлакатимиз Президенти 2004 йил 16 мартда имзолаган "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ўша йил 17 мартда қабул қилинган "Ўзбеккино" Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори кинонинг ушбу муҳим йўналиши тараққиётида улкан имкониятлар эшигини очди.

Ҳукумат қарорида "Ўзбеккино" Миллий агентлик зиммасига ҳар йили давлат маблағи ҳисобига 40 қисмдан иборат 20 та ҳужжатли ва илмий-оммабоп кинофильм ҳамда 60 соатлик маънавий-маърифий, ўқув-услубий видеофильмлар яратиш вазифаси ҳам юкланган эди.

Табиийки, бу ишни тўлақонли амалга ошириш ҳужжатли кино усталаридан катта билим ва маҳорат, жонбозликни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Миллий агентлик таркибидаги киностудиялар ва мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият кўрсатаётган студиялар фаолиятини мувофиқлаштириб, мавжуд ижодий ва техник имкониятларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратилаяпти.

(Давоми 4-бетда)

УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг

| | | | |
|---|---|---|---|
| БЕНЗИН (76) | 398,8 | ▲ | + 0,9 |
| БЕНЗИН (91) | 464,7 | ▲ | + 3,9 |
| ДИЗ.ТОПЛИВО | 281,0 | ▼ | - 3,9 |
| МАЗУТ | 117,1 | ▲ | + 14,9 |
| СЖ.ГАЗ | 285,5 | ▲ | + 37,2 |
| МАСЛО ХЛОПК. | 826,1 | ▲ | + 1,4 |
| САХАР | 588,0 | ▼ | - 1,3 |
| МУКА выс.сорт | 280,0 | ▼ | - 0,07 |

## Халқ ишончини оқлаш – олий масъулият

(Боши 1-бетда)

«Хонобод» аэродромида жойлашган АҚШ ҳарбийларининг кейинги тақдири, юридик ибора билан айтганда, уларнинг статуси ҳақидаги масала Ўзбекистон томонидан 2002 йилнинг охирида АҚШ раҳбарияти вакиллари олдига қўйилган эди. Яъни, Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида имзоланган Битимда кўрсатилган муддат - бир йил ўтиши билан бу масала ўртага қўйилди.

Бунда Афғонистон ҳудудида фаол ҳарбий ҳаракатлар тугаши муносабати билан бу аэродромдаги ҳарбийларнинг кейинги тақдири билан боғлиқ масалани ҳал этиш заруратига АҚШ томонининг эътибори қаратилди. Лекин АҚШ вакиллари турли сабабларни рўкач қилиб, бу масалани ечишни орқага суриб келди.

Айни пайтда, ушбу аэродромни Америка ҳарбийларига ажратиш учун Ўзбекистон томонидан сарф қилинган маблағларни қоплаш масаласи бўйича музокаралар ҳам улар томонидан чўзиб келинди.

Олиб борилган музокаралар давомида Ўзбекистон томони дунёдаги энг юксак тараққий топган кучли давлат билан алоқани бузиш эмас, аксинча, дўстлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш ва шундан манфаат топишни ўзига мақсад қилиб қўйди. Минг афсуски, давлатимизнинг мана шундай интилишига АҚШ раҳбарияти томонидан эътибор берилмади.

Кенгаш йиғилишида сўзга чиққанлар Ўзбекистон жаҳон миқёсида, биринчи галда Марказий Осиё ҳудудида тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун мустаҳкам пойдевор ва кафолатларни ташкил қилиш тарафдори эканини таъкидлашди.

Мажлисда шу фикрга алоҳида урғу берилдики, ҳар қандай ҳудудда бирон бир ҳарбий база пайдо бўлса, унга қарши бўлган, уни йўқ қилишга қаратилган кучлар ҳам пайдо бўлиши муқаррар. Бу - фалсафа эмас, ҳаётий ҳақиқат.

Шунинг учун Марказий Осиёда жойлашган ҳарбий базалар, умуман айтганда, қанча кам бўлса ва уларнинг бу ерда мавжуд бўлишига барҳам берилса - бунинг ўзи шу минтақада, шу ҳудудда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга қўшилган энг катта ҳисса бўлади.

Бугун Марказий Осиё минтақасидаги мана шундай ўта мураккаб ва таҳликали бир вазиятда Сенат Кенгаши олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифалар қаторида сезгирлик ва ҳушёрликни янада кучайтириш масаласини ўртага қўйди.

Бундай ғоят хатарли шароитда давлатимиз, ҳукуматимизнинг мана шундай хавф ва таҳдидларни инобатга олиб, яккаю ягона тўғри сиёсатни танлаб олиши ва юритишида, эл-юртимизни бало-қазолардан омон сақлашда, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган келажакни қуришда барчамиз - биринчи раҳбардан тортиб энг оддий фуқарогача ўз масъулиятимизни сезиб, ҳар қайсимиз ўз жойимизда бизга юклатилган, ишониб топширилган ишни виждонан бажаришимиз даркор.

Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат қурмоқдамиз. Ана шу мақсад йўлида, халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва олиб боришда барчамиз масъул ва жавобгар эканимизни ҳар томонлама англаб яшашни бугун замоннинг ўзи энг муҳим ҳаётий зарuratга айлантирмоқда.

Юртимизда давлат ва жамиятни бошқариш соҳасида демократик тамойилларни чуқурлаштириш борасида кейинги пайтда сезиларли, қатъиятли ислоҳотлар ўтказилмоқда ва улар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда икки палатали парламент тузилди, қуйи палата - Қонунчилик палатаси билан бирга юқори палата - Сенат шаклланди. Ва аввал Президент бошқарадиган ва бажарадиган кўпгина ваколатлар Сенат тасарруфига берилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ҳаётимизда кўплаб ўзгариш ва янгиланишларни кутишимиз табиий, албатта. Ва ана шундай кенг ва ўта муҳим ваколатларга эга бўлган парламентимиз ўз масъулиятини ошириши ва ҳаётнинг ўзи олдимизга кескин қилиб қўяётган мураккаб ва таҳликали масалаларни ҳал қилишда ўзини кўрсатиши даркор.

Мажлисда катта таассуф билан таъкидландики, Олий Мажлис фаолиятида, айрим депутатларнинг қарашларида ҳали-ҳануз эскича ёндашувлар ҳукм сурмоқда. Бугунги ҳаёт талаблари, бугунги вазият тақозо этган вазифаларни бажаришдаги заифлик, масъулиятни ўзига олмаслик, кимнингдир соясига яширинишга уриниш - ана шундай эскича қарашларнинг яққол кўриниши бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи ўзининг ваколат доирасида ўз вазифасини сидқидилдан адо этиши зарур.

Ҳам давлат идораси, ҳам ижтимоий идора бўлмиш парламентимиз, халқ ваколатига эришиб, демократик тамойилларни ўз фаолияти учун асос қилиб олган, кўп имкониятларга эга бўлган Олий Мажлисимиз ўз салоҳиятини намоён этиши, давлатимиз олиб бораётган сиёсат, авваламбор, ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ўз жавобгарлигини кўрсатиши, халқимизнинг ишончини оқлаш учун бор куч-имкониятини сафарбар қилиши - бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

(ЎзА)

## Деҳқонбой ота қисмати

(Боши 1-бетда)

Шундан кейин сал ўтмай туҳмат асосида ҳа йўқ, бе йўқ ОГПУнинг Фарғона бўлими вакиллари томонидан 1930 йил 6 декабрда советларнинг коллективлаштириш сиёсатига қарши, ёт бўлган муштумзўр сифатида қамоққа олиниб, терговни бошлаб юборадилар.

Орадан икки ойдан кўпроқ авахтадаги қийноқ азобларидан сўнг, қўшимча сўроқ, гувоҳлар ва даъвогарларни чақирмасдан, ҳеч қандай ҳуқуқий ҳимоячисиз, Ўрта Осиё ОГПУси қошидаги учлик мажлисининг 1931 йил 25 февралдаги қарорига кўра Деҳқонбой ота Исмоиловни 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиб, мол-мулки мусодара қилишга ҳукм этилади. Бу шафқатсиз ҳукм зўрлик билан ижро этилиб, уни Қўқон қамоқхонасидан Тошкентнинг Қўйлиқ даҳасидаги атрофи баланд деворлар ва симлар билан ўралган қамоқхонага ўзи каби кўплаб маҳбуслар ичига олиб келиб ташлашади.

Ёш рафиқаси Хайринисо опа Исмоилова, 5-6 ёшли ўғли Абдуқодир ва бир қўлида қизалоғи Сорахон билан ҳовлидан ҳайдаб чиқарилади, улар қавму қариндошлариникида, собиқ қулоқнинг хотини, болалари деган тавқи лаънат, хавфу хатар остида яшайдилар.

Шу орада рафиқасига Деҳқонбой акадан хат келади, хатда аҳволи ҳозирча бирмунча тузук бўлиб, унга очиқда юришга ҳам рухсат этилганлигини айтиб, онасининг болалари билан олдига чақирганлиги ва уй ҳам топиб қўйганини ёзган. Унинг ўғли Абдуқодир Ҳайитметовнинг ёзишича "Онамнинг тасаввурида шу пайт чарақлаб қуёш чиқиб, ҳаммаёқ ёришиб кетгандай бўлган. Онам опасиникига яшириб қўйган бир гиламини сотиб, дарҳол Тошкентга отлана бошлади... Тошкентга ярим кечаси етиб келдик. Вагондан зина билан пастга тушар эканмиз, тинмасдан пақирдан қуйгандек жала ёғаётган эди. Онамнинг бир қўлида синглим Сорахон иккинчи қўлида эса кийим-кечак, озиқ-овқатлар солинган каттагина бўхча, менинг қўлимда ҳам йўлда керак бўладиган нарсалар, укамнинг кийимлари солинган халта...

Тонг отишга яқин ёмғирнинг ёғиши бироз секинлашди. Биз Жўрабек – Қорасувга яқин ердаги Туясарой деган қамоқхонага боришимиз керак эди.

Айтишларича бу ерда илгари бир карвонсарой бўлган. Шўролар даврида улар ҳаммаси бирлаштирилиб, катта ҳибсхонага айлантирилган. Тўрт томони баланд деворлар билан ўралган, тепасига чангал симлар тортиб қўйилган эди.

Онам қамоқхонанинг маъмурий биносига кириб кетди. Биз энди ўзимизни мақсадга яқинлашиб қолган деб ҳисоблар, шунинг учун кайфиятимиз чоғ эди. Отам шу баланд деворлар орқасида! Маълум бир дақиқалардан сўнг у билан кўришамиз. У ўзгариб кетганмикан! Озиб қолмадимикин! Соқол-мўйловлари ўсиб, хунук бўлиб кетмадимикин? Узоқдан кўриниши билан Сорахондан олдин югуриб бораман! У ҳам мени қўлига кўтариб олади, суяди, эркалайди.

Онам мўл бир соатдан кейин ичкаридан бўшашиб чиқди.

–Катталар бир ёққа кетган экан. Бугун келмас эмиш. Эртага келинг деди.

Эрталаб ҳеч нарса емаган эдик. Шу гапдан кейин қорнимиз очгани дарров билинди. Ширин хаёллар бошимдан қушдек учиб кетди. "Сал нарида чойхона бор. Ўша ерга борсанглар, ҳамма нарса топилади", - дейишди одамлар овқатлангани жой суриштирсак".

Яна ёмғир ёға бошлади. Катта сув ёнидаги бир чойхонага кирдик. Ичкари тўла одам. Буғ, папирос тутуни, тошкўмирнинг ачимти ҳиди. Бир четга ўлтириб, Қўқондан олиб келган нарсаларимиздан едик. Онам ётгани жой суриштира бошлади.

–Бу ерда ётиш мумкин эмас. Нариги чойхонага боринглар! – деди чойхоначи.

Биз қўлимизда юклар билан чойхонадан чиқиб, кўрсатилган томонга юра бошладик. Бошимиздан ёмғир қуйиб турарди. Ҳали ўн-ўн беш қадам босмаган эдик, чойхонанинг орқасидан саройга ўтадиган йўлакка дуч келдик. Йўлак тиза бўйи лой бўлиб, ундан сакраб ўтишнинг иложи йўқ. Лойни босиб ўтаман, десангиз ботиб қолишингиз аниқ эди. Қандай ўтсак экан, деб бошимиз қотиб турган эди, дарвозанинг ичидан паст бўйли, тўладан келган, сочлари унча-мунча оқ оралаган, фариштали бир қария чиқиб қолди. У бизни ночор аҳволда кўриб, онамга:

–Ҳа, қизим! Қаёққа кетаяпсан? Қийналиб қолибсан-ку, болаларинг билан! – деди. Онам ўпкаси тўлиб турган экан, аҳволимизни айтиб туриб йиғлаб юборди.

–Ота ётгани жой қидириб кетаяпмиз. Қўқондан келган эдик. Ҳеч кимимиз йўқ. Биронта танишимиз ҳам.

Мен онамни ҳеч қачон бундай аянчли аҳволда кўрмаган эдим.

–Бизникига кирақол бўлмасам. Тортинма. Ўғилчангнинг аҳволини қара, ҳаммаёғи ҳўл, лой бўлиб кетибди, - деб отахон онамнинг елкасига ортган юкини қўлига олди, онам эса менинг қўлимдаги халтани олиб, унинг орқасидан юра бошладик...

Бу инсон маҳалланинг обрў кишиларидан бўлиб, у қанчадан-қанча мусофирлар ва етим-есирларнинг бошини силаган, шу туфайли ҳам "Азиз ота!" деса ҳамма танир экан.

Биз узун-қисқа бўлиб, ҳовли тўғрисидаги айвонга яқинлашар эканмиз, Азиз отанинг катта хотини Салом ойи чой ичиб ўлтирган жойидан туриб, олдимизга келди, онам билан кўришди, сўнг менинг бошимни силаб:

–Айланиб кетақолайин ўғлимдан! Вой боякишларей! Совуқ еб қолишибди. Мана бу ер иссиқ. Ўтирақолийла! –деди ва бизни дастурхон атрофига ўтқазди.

Бир неча фурсатдан сўнг ота узр айтиб, ўз иши билан кўчага чиқиб кетди. Бизга эса қишлоқдагидек сопол косаларда эмас, балки чинни косаларда яримярим қилиб, қайла солинган мастава беришди. Бу таом ҳам биз учун янгилик эди. Уни кичкина ва гулдор нўғай қошиқларда терлаб-пишиб ичар эканман, ўзимни дашт бир ердан жаннатга кириб қолгандай ҳис этар эдим.

–Шундан кейин эртасига отангиз билан кўриша олдиларингизми, у кишининг ва сизларнинг кейинги ҳаёт ва тақдирларингиз қандай кечди, -деб сўрадим Абдуқодир акадан яқинда бўлган суҳбат чоғимда. У киши эртасига оналари билан яна ўша қамоқхонага борганликлари, оталарини у ердан Қирғизистоннинг Бишкек шаҳри қамоқхонасига жўнатганликларини эшитиб хафа бўлиб қайтишганликларини айтдилар. Оналарини эса ўз болаларини яна эски қулоқнинг оила аъзолари сифатида узоқ Украина томонларга сургун қилиб юбориш хавфидан қўрқиб шу ерда қолиб кетганлиги, тақдирнинг бу фожеали қисмати оқибатида шу ерлик бир мусофирга турмушга чиқиб, болаларини сарсон-саргардонлик, очлик ва яланғочликдан сақлаб қолганлиги, отасининг эса кўп йиллардан сўнг қамоқ азобидан қутилиб, ўз қишлоғига қайтгани, бу пайтда ота-онаси вафот этган бўлиб, оиласининг бошқа турмушга чиқиб кетганини эшитади. Шундан сўнг отам ўша ерда ўз қишлоғида бошқа оила қуриб, улардан ҳам ўғиллари бўлган. Ҳозир улар ўша ерда яшашади. Биз онам билан Тошкентда Қорасувда қолиб кетдик. Мен ўрта мактабни битириб, университетга киргач ҳам отамни қўмсаб, у кишининг фамилиясига ўтишни ўйлаб юрганман. Лекин ўша даврда ҳам қулоқнинг боласини ўқишга қабул қилиш, ишга олиш мумкин эмас, деган хавф ҳамон сақланиб қолганлиги учун иккинчи отам Ҳожимат Ҳайитметов фамилиясида қолиб кетганман. Биз ота-бола узоқ йиллар кўришолмай юрдик. Ва узоқ жудоликдан сўнг фақат 60 йиллар бошидагина отам билан дийдор кўришганмиз. Шундай қилиб, шўроларнинг ёвуз коллективлаштириш сиёсати оқибатида минг-минглаб бегуноҳ деҳқон оилалари каби бизнинг оила ҳам ўз бошидан шундай аччиқ фожеали қисматларни бошдан кечирди.

Отам фақат 80 йилларнинг охирларида (тўғрироғи, 1989 йил 22 майда расман оқланди). Лекин уларнинг ҳақиқий оқланиши, 1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан кейингина бўлди. Сўнгги йилларда Юртбошимизнинг мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича чиқарган фармони ва бу борада айниқса, Юнусобод туманида шаҳидлар хотираси майдони мажмуаси ташкил қилиш ҳақидаги фармонлари ўлкамиздаги юртдошларимиз каби бизнинг оила аъзоларини ҳам чексиз қувонтириб юборди, - дейди, бу ҳақда биз билан суҳбатда профессор Абдуқодир ака Ҳайитметов.

**Ш.ТУРДИЕВ,**
**"Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси "Қатағон курбонлари хотираси" музейи катта илмий ходими.**



## Олий қадрият эътирофи

(Боши 1-бетда)

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ўлим жазоси инсон ҳуқуқлари олий қадрият саналмиш жамиятга зид эканлигини эътироф этади. 100 дан ортиқ давлатларда ўлим жазосининг бекор қилингани, яна 30 дан зиёд давлатда ўлим жазосини қўллаш ҳақидаги қонун кучда бўлса-да, амалиётда мазкур жазо ижро этилмаслиги, умуман, охирги ўн йилликда ҳар йили ўртача 1 та давлатда ўлим жазоси билан боғлиқ қонунлардан воз кечилаётганлиги юқоридаги эътирофнинг айни ҳақиқат эканлигини исботлайди.

Шу ўринда жиноят қонунчилигимизнинг тарихига бирров тўхталсак. Республикамиз мустақилликка эришгунига қадар 1959 йил таҳриридаги Жиноят кодекси амалда бўлиб, унда ўлим жазоси 33 та модда бўйича ҳатто иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун ҳам қўлланилар эди. Масалан, давлат ёки жамоат мулкини жуда кўп миқдордаги қийматда талон-торож қилганлик учун (жуда кўп миқдордаги қиймат эквиваленти 10.000 АҚШ доллари ёки ўша пайтда 10.000 совет рублини ташкил этган) неча-неча инсонлар яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар.

1995 йил 1 апрелидан бошлаб амалга киритилган Жиноят кодексининг 13 та моддасида, 1998 йилга келиб 5 та моддасида ўлим жазоси кўзда тутилди. 2001 йилда бу рақам тўрттага қисқарди. 2003 йил декабридаги Олий Мажлис 2-чақириқ XIII сессиясида қабул қилинган қонунга асосан фақат икки ҳолатда (жавобгарликни оғирлаштирадиган тарзда одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир қилганлик учун) ўлим жазосини қўллаш қайд этилди. Лекин Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда жамиятимизни янада эркинлаштириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизими бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасига кўра жиноятга оид қонунчиликда ўлим жазосини бекор қилиш зарурлиги тақозо этиб келинди. Зеро, яшаш ҳуқуқи - инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганлиги эса ушбу ҳуқуқни амалда таъмин этишда яна бир поғона олға силжиш ясади.

Мазкур Фармонга кўра Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилиши белгиланган. Бунда умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан тайинланиши мумкинлиги ҳамда бу турдаги жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазони махсус тартибли колонияларда ўташлиги кўрсатилган. Шунингдек, Фармон ижросини таъминлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати 2006 йил 1 январ кунига қадар жиноятга оид қонунчиликка ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш вазифаси юклатилган.

Ушбу вазифалар асносида энг муҳими, жиноятга оид қонунчиликка киритиладиган бу ўзгариш моҳияти демократик қадриятлар билан муштараклигини омма онгига сингдириш кераклиги аён ҳақиқатдир. Чунки ҳар қандай эзгу иш жамоатчилик ва халқ қўллаб-қувватлаган тақдирдагина амалга ошиши муқаррар.

**Ислом ЖАСИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи.**

Шаҳрисабз туманидаги Ўзбекистон - Британия «Мевалар Камалаги» қўшма корхонаси бу йил 6 минг тонна олма, 10 минг тонна узумни қайта ишлаб, Украина, Белоруссия, Россия каби давлатларга экспорт қилишни режалаштирган. Айни кунларда бу ерда маҳсулот қабул қилиб олиниб, қайта ишлаш учун сараланмоқда.

СУРАТЛАРДА: лаборант Асамова Раҳбархон; тайёр маҳсулот ва мевани қайта ишловчи цех.

**Б. АКРАМОВ олган суратлар.**





## Ғўза билан тиллашиб...

(Боши 1-бетда)

Лекин буни ҳаммаям яхши тушунавермайди. Ғўза майдонида бегона ўт йўқ, яхшилаб ишлов берилган. "Нарезка" олинган майдонларга милтиратиб сув оқизиб қўйганмиз. Сувни исроф қилишга йўл қўймаймиз. Сувчиларимиз Ҳасан Ҳотамов, Собир Ҳодиевлар тунги суғоришга катта эътибор беришаяпти. Тунги суғоришда ҳикмат катта. Кейин ишлов беришда ҳам эҳтиёткорлик билан, техникани аввалгидек йўрғалатиб эмас, секин одимлатиб юргизиш керак. Шохлаб кетган ғўзани босиб кетмаслик учун ҳар бир ғилдиракнинг олди тўсилган бўлиши лозим. Бугунги кунгача саккиз марта культивация қилдик. Уч марта "Нарезка" олдик, уч марта суғордик. Ҳар бир туп ғўзада 10-15 тадан кўсак бор. Кўсак қурти деган балодан бохабар бўлиб туриш керак. Ҳосилини кўсак қуртига олдирган деҳқон чўнтагини киссавурга кестирган одамга ўхшайди. Ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб юрган одам ҳам кузга бориб худди шу аҳволга тушиб қолади. Шунинг учун ғўза қатор ораларига "ферамон" тутқичлар қўйганмиз. Булар зараркунанда ҳашаротдан огоҳ этади. Бракон, трихограмма қўйяпмиз. Шундай агротехник тадбирлар эвазига доим юқори ҳосил оламиз. Масалан, ўтган йили давлатга пахта сотиш режасини 121 фоизга бажариб, ҳосилдорликни 27 центнерга етказдик.




Ховос тумани шароитида бу осон иш эмас. Бу йил 30 гектар ғалла майдонидан 90 тонна давлатга дон топширдик. Ўзимизга 90 тонна қолди. 38 гектар пахта майдонидан ҳам 30 центнердан ошириб ҳосил олиш ниятида ҳаракат қилаяпмиз.

Ишлаган тишлар экан. Фермер бўлиб эркин меҳнат қилиш нима эканлигини ҳис қилдик. Ҳукуматга раҳмат, дорини, ёнилғини, нақд пулни етказиб бераяпти. Энди буёғи ўзимизга боғлиқ. Ҳозир 3 та МТЗ-80 русумли, 1 та Т-4 хайдов трактори, 4 дона тележкамиз, "Дамас" автомашинамиз бор. Буларнинг ҳаммаси шу ернинг орқасидан. 2 гектар боғ яратдик, 10 минг туп дарахт экилди. Меҳнат қилган ҳеч қачон доғда қолмайди. Мисол учун бир куни ҳисоблаб кўрсам 2001-2005 йиллар давомида 112 миллион сўм атрофида соф фойда қилибмиз. Бугунги кунда 25 нафар ишловчига 30 минг сўм миқдорида иш ҳақи тўлаяпмиз. Бу натура ҳолида берилган ғалладан ташқари. Ишчининг манфаатдорлиги ошса даромади яхши, рўзғори бут бўлса, астойдил ишлайди, ерга меҳр қўяди. Қилинадиган хайрия ишларига ҳам замин яратилади. Ўз кучимиз билан 4 км очиқ зовур, 2 км ёпиқ зовурни тозалатиб, еримизни мелиоратив ҳолатини яхшилаб олдик. Фарҳод қишлоқ врачлик пунктига, болалар боғчасига, 1-сонли ўрта мактабга 1,5 миллион сўм ёрдам берилди. "Фарҳод" хўжалиги ҳудудидан ўтадиган ариққа кўприк қуриб бердик, йўлни таъмирлашга ёрдам бердик. Болалар спортини ривожлантиришга 300 минг сўм ўтказиб бердик, буларнинг ҳаммаси маблағимиз борлиги туфайли бўлди. Бу йил 20 миллион сўм соф фойда олишни кўзлаб турибмиз. Буларнинг ҳаммаси бугунги парваришга боғлиқ.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**СУРАТДА: фермер Абдураззоқ Ҳотамов.**

## Демократ. Ким у?

(Боши 1-бетда)

Яна бир нарсани айтиб ўтиш керак, АҚШда биринчи марта президент бўлган одам иккинчи марта ҳам номзодини қўйса, ҳеч шубҳасиз, жиддий тўсиқ ва ғовларга дуч келмайди. Чунки, ишлаб турган президентнинг истак-хоҳишига тўғаноқ бўлишга журъат этишмайди. Шунинг учун ҳам аксарият президентлар икки муддат ишлашган. Бир марта сайланганлари кам.

"Нодемократик" Эронда эса президент бевосита оддий халқнинг овози билан сайланади. Бу йилги сайловда еттита номзод кураш олиб борди. Уларнинг орасида мамлакат ва хорижда катта обрўга эга бўлган таниқли давлат арбоби, собиқ президент Али Акбар Хошимий Рафсонжоний борлиги баъзи бировларда энди бошқа номзодларни кўрсатишнинг аҳамияти бормикан, деган шубҳа уйғотди. Ғолиб чиқади деб тахмин қилинганлар орасида мамлакатнинг бошқа машҳур кишилари ҳам бор эди. Бироқ ҳеч ким кутмаган ҳолат юз берди. Оддий халқ Теҳрон шаҳри мэри Маҳмуд Аҳмади Нажотга овоз берди. Нима, машҳурлар ёки катта мансабдагилар ўз мавқеларидан, имкониятларидан фойдаланиб, кўпроқ овоз олишда йўлини қилишса бўлмасмиди? Демак, номзодлар орасида шундай уриниш бўлмаган. Бу сайлов ҳақиқатдан ҳам демократик руҳда ўтган. Мамлакат ҳаётига демократик жараён қай даражада кириб бораётганлигини янги президентнинг хатти-ҳаракати кўрсатиб турибди. Энг муҳими, диндорлар ҳукумат ишига халақит бермаяпти.

Демократия "даҳолари"нинг асосий мезонларидан бири - инсон ҳуқуқларининг аҳволи. Бу мезонни баҳолашда Ғарбий Европа билан АҚШнинг ёндашувлари бир хил. Фарқи шундаки, Европа Иттифоқи мамлакатлари АҚШга ўхшаб ер юзидаги давлатларни оқ ва қора рўйхатларга киритишмайди. Давлат департаменти эса ҳар йили рўйхат эълон қилади. Демак, оқ рўйхатдагилар инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаётган давлатлар, қора рўйхатдагилар эса инсон ҳуқуқлари бузилаётган мамлакатлар. Россия, Хитой, Ўзбекистон, Қозоғистон, Эрон, Шимолий Корея, Белоруссия ва бошқа ўнлаб тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган давлатлар инсон ҳуқуқлари бузилаётганлар рўйхатига киритилади. Ана энди Ироқда уруш олиб бораётган АҚШ билан Буюк Британия эса инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилади.

Яқинда инсон ҳуқуқлари масаласида "нодемократик" Хитой демократик АҚШга жиддий сабоқ берди. Аввало, хитойлик экспертлар АҚШдаги сайлов тизимининг нодемократик эканлигини асослаб, уни "қоп-қоп пуллар мусобақаси" деб аташди. Экспертларнинг фикрича, бу мамлакатда ўта оғир жиноятлар, жумладан, одам ўлдириш ортиб боряпти, зўрлик ва зўравонлик кучайиб кетган, қашшоқлик кенг тарқалмоқда, инсон миллатига ва терисининг рангига кўра камситилмоқда, фуқаролар ўз ҳуқуқлари нафақат жиноятчиликнинг ошиб бориши натижасида, балки ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан бузилаётганлигидан азият чекишмоқда.

Хитойда эса, аксинча, жиноятчилик камайиб бормоқда. Аҳолисининг тинч-осойишта ва хавфсиз яшашини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хитойда нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижликлар ҳам ўзларини эркин ҳис қиладилар. Сўз эркинлиги ва матбуот эркинлигини таъминлаш борасида олға қадам ташлаётганлигини бугунги матбуотнинг мазмуни кўрсатиб турибди. Эркин фикрларни ва фикрловчиларни таъқиб қилишга барҳам берилмоқда. Яқинда Хитойда таъқиқланган демократик партиянинг асосчиларидан бири Ван Юцай ҳукуматга қарши хатти-ҳаракатларига қарамасдан қамоқдан озод қилинди. Бошқа диссидентларга нисбатан ҳам қаттиққўллик кўрсатолмаяпти. Хитой ҳеч бир давлатга нисбатан агрессия ёки зўравонлик қилаётгани йўқ. Ўз турмуш тарзини бошқаларга тиқиштирмаяпти ҳам. Афтидан, ер юзининг турли минтақаларида ҳар хил инқилобларни амалга ошириб, дунёга устун бўлмоқчи ҳам эмасга ўхшайди. Ҳар ҳолда сурбетликдан кўра, дипломатия йўлини тутган давлат кўринади. Ана энди демократ ким-у нодемократ кимлиги тўғрисида яна бир бор ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг.

**Демократия "даҳолари"нинг асосий мезонларидан бири - инсон ҳуқуқларининг аҳволи. Бу мезонни баҳолашда Ғарбий Европа билан АҚШнинг ёндашувлари бир хил. Фарқи шундаки, Европа Иттифоқи мамлакатлари АҚШга ўхшаб ер юзидаги давлатларни оқ ва қора рўйхатларга киритишмайди.**

Меҳнатга ҳақ тўлаш масаласини олайлик. Масалан, Ўзбекистонда миллати, ирқи, жинси, терисининг ранги ва эътиқодидан қатъий назар бир хил иш бажарган одамлар меҳнатига ҳақ тўлашда ҳеч қандай фарқ йўқ. Бири иккинчисига нисбатан камситилмайди. Бундай манзарани аксарият "нодемократик" Осиё мамлакатларида ҳам кўриш мумкин. Энди ўзларини демократик деб ҳисоблайдиган Ғарбий Европа мамлакатларида эса бунинг акси. Уларда ўз фуқароларига, умуман, европаликларга Осиё ёки Африкадан келиб ишлаётганларга қараганда бир неча баравар кўп иш ҳақи тўланади. Бўлмаса ишнинг хусусияти ва ҳамма бир хил. Айтайлик, Буюк Британия ёки Бельгияда маҳаллий инженер, врач, ҳайдовчи, хизматчи шу ернинг ўзида худди шундай касбда ишлаётган индонезиялик ёки малайзиялик ҳамкасбидан анча кўп иш ҳақи олади. Шундай тенгсизликни қонунлаштириб қўйганлар эса ўзларини демократ ҳисоблайдилар.

Мана, ўтган ҳафта Лондоннинг "Хитроу" аэропортида бўлган воқеани эсланг. Аэропорт ходимлари ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб иш ташлашди. Бир қараганда ана сизга эркинлигу мана сизга демократия дейиш мумкин. Бироқ бунинг оқибати-чи? Атиги бир неча юз, нари борса минг киши иш ташлаш ҳуқуқидан фойдаланганлиги оқибатида қарийб юз минг йўловчининг ҳуқуқи поймол қилинди, ўн минглаб йўловчи бир неча кун жойсиз азоб тортди, борадиган жойига етиб боролмади. Хўш, иш ташлаш ҳуқуқини жорий қилганлар нега йўловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида ўйлашмади?! Бировнинг ҳақ-ҳуқуқи деб бошқа бировнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиш ҳам демократиями? Унда нодемократияси қандай бўлади?

Жаҳон сайлаб қўйган халқаро ҳакамни тан олиш демократияга киради. Бироқ халқаро ҳаётда шундай бўляптими ва бунга демократия "даҳолари" қандай қарашяпти?

Гап БМТнинг даъвати ва қарорларини менсимаётган "даҳолар" ҳақида боряпти. Уларнинг зўравонлик руҳидаги баёнотлари ҳамманинг энсасини қотирмоқда. Ҳатто ўзга бир мамлакатнинг атом энергияси иншоотларига ёки бошқа объектларига зарба бериши ҳам мумкин экан. Бугунги кунда бундай баёнотлар бериш оддий ҳолга айланиб қолганига нима дейсиз. Умуман, "асл" демократларни халқаро масалаларда тўғри, холис ва ҳаққоний йўл тутганликларидан эмас, аксинча, ҳакамлик ва ҳукмронлик даъвоси билан қилган дўқпўписаларидан билиш мумкин. Ҳозир ҳамма тушуниб қолди.

Гап демократларнинг "нодемократлар"га нисбатан "журъати" ва "жасоратли" баёнотлари ҳақида борар экан, бир "даҳо" демократнинг шу йил май ойида берган бир баёнотига тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. У шундай деди: "Бир ярим йилда қатор рангли инқилоблар бўлди. Жумладан, Грузияда, Украинада, Ироқда, Қирғизистонда ва Ливанда. Озодлик бутун ер юзи бўйлаб тенгсиз тараққиётни намойиш этмоқда... бу ҳали эндигина бошланиши. Бутун Кавказ ва Ўрта Осиё бўйлаб ўзгаришлар истиқболлари билан боғлиқ сабрсизликлар ўсиб боряпти ва ўзгаришлар бўлади".

Одатда, демократлар инқилобга эмас, аксинча, тинчликка, барқарорликка, холисликка, ҳаққонийликка, эркинликка, қонун устуворлигига, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш ва ҳурматлашга даъват этишарди. Юқоридаги даъват эса худди марксистлар чақириғига ўхшаб кетади. Демак, улар аслида бузғунчилар бўлиб, демократ ниқоби остида иш кўришяпти. Агар ана шу ниқоб йиртиб ташланса, уларнинг асл қиёфалари намоён бўлади.

Ким демократ-у ким нодемократ? Юқоридаги фикрлар ана шуни аниқлашга хизмат қилади деган умиддаман. Энг муҳими, ҳар қандай ҳолатда ҳам вазиятни баҳолашда ва хулоса чиқаришда асл демократ кимлигини билиб олганимиз яхши.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти"нинг сиёсий шарҳловчи.**

МУКА 1 сорт 197,8 ▲ + 0,9 | МУКА 2 сорт 180,0 ▼ - 0,1 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 840,0 ▼ - 0,02 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 847,2 ▼ - 391,5 | ПОЛИЭТИЛЕН I1561 840,0 ▼ - 0,5 | КАРБАМИД 155,4 ▲ + 8,6

